

Урганч шаҳри

2022 йил « 19 » октябрь

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Шовот – Куловот» ИТБ номидан Низом асосида иш кўрувчи бошлик **О. Ражабов** бир томондан, кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Medi-Um Energy Stream» мчж номидан Низом асосида иш курувчи раҳбар С.Хайитов иккинчи томондан

Урганч туманидаги «Куловот» каналининг ПК 262+00 даги гидротехник иншоотни автоматлаштириш » ишларини бажариш буйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. «Пудратчи» мазкур шартнома шартларига кура кузда тутилган, экспертиза хулосасига ва лойиха смета ҳужжатларига асосан Урганч туманидаги «Куловот» каналининг ПК 262 + 00 даги гидротехник иншоотни автоматлаштириш ишларини бажариш мажбуриятини олади, «Буюртмачи» эса «Пудратчи»га кузда тутилган ишларни бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома буйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган, ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини уз ичига олган ҳолда жорий нархларда **355 500 000=00 (Уч юз эллик беш миллион беш юз минг сум) ККС билан** ни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини қупайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;

- ишлар қиймати «Буюртмачи» томонидан узгартирилганда;

- жорий таъмирлаш ишлари муддати мажбуран муаян муддатга узгартирилганда.

5. Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

III. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома буйича «Пудратчи» мазкур шартноманинг 2 булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

-барча ишларни мазкур шартномага мувофиқ ишларни лойиха смета ҳужжатларида назарда тутилган ҳажмда ва шартномада кузда тутилган муддатларда узининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор қилиш;

- автоматлаштириш ишлари майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шуниингдек ёритиш чироклари урнатиш;
- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб ишлар бажарилгунга қадар қурилиш майдонини узига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;
- қурилиш майдони қурикланишини таъминлаш;
- .-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи ҳужжатларни (исполнительная документация) тулик ҳажмда тақдим қилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг уз қучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

IV. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Мазкур шартномани бажариш учун «**Буюртмачи**»:

- мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли булган жихозлари билан объектни ишлар тугаллангунгача булган даврга далолатнома бўйича «**Пудратчи**»га бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган «**Пудратчи**» томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда қуриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади;

12. Буюртмачи мазкур шартномада қузда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тулик мулкый жавоб беради.

V. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб қучга қиради.

13,1 Мазкур шартнома 2022 йил 20 октябрь қуни тузилиб икки томон имзолагандан кейин қучга қиради ва 30 декабрь қунигача уз қучида қолади

14. Пудратчи мазкур шартнома бўйича ишларни 40 иш қуни мобайнида бажариши қерак.

15. Объектни **2022 йил 01 декабргача** фойдаланишга топширилиши белгиланади.

VI. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома бўйича узаро ҳисоб-қитоблар миллий валюта - «сумда» қилинади.

17. «**Буюртмачи**» мазкур шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 % миқдорида аванс утказади, бу **106650000=00 сум (Бир юз олти миллион олти юз эллик минг)** сумни ташқил этади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун бюджетдан мақсадли берилган маблағлар ҳисобидан шартнома Газначиликдан руйхатдан утгандан кейин уч банк кунида амалга оширилади.
19. Буюртмачи томонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини ушлаб қолган ҳолда 70 % миқдорда амалга оширилади.
20. Пудратчининг ҳисоб рақамига тушадиган маблағлар бажариладиган жорий тамирлаш ишлари харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, жорий таъмирлаш ишлари зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тулаш, жорий таъмирлаш ишларида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тулаш учун ва ушбу объектда бажариладиган ишлар бошқа харажатларига қатъий сарфланади.
21. Пудратчи жорий молиялаштириш учун ҳисобот ойнинг охириги кунигача ва якуний молиялаштириш учун ҳисоб китоб учун қурилиш монтаж ишлари миқдори, харажатлари тугрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тугрисидаги маълумотнома ҳисоб-варақ-фактурани» узи тузиб тақдим қилади. Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.
22. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний ҳисоб-китоб учун, бажарилган ишларини миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сунг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати тугрисидаги маълумотнома-ҳисоб-варақ-фактура» асос бўлади.
23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлайди. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

24. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати ўстидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.
25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.
26. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жўй билан таъминлайди. Техник аудитор пудратчи томонидан утказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда қатнашади.
27. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-булимида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.
28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.
29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз қучлари билан ва қурилиш қийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қелишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечииқиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.
30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари яритилади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг

узро муносабатларида ахамиятга эга булган холлар ва холатлар (ишларни бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни кабул килиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боглик тухтаб қолишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тугрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

VIII. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

31. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч холатлари амал қилган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан куп вақтга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом этириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар курилишини муҳокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома беқор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

IX. КАФОЛАТЛАР.

34. Пудратчи:

- барча ишларни тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- лойиха ҳужжатларига ҳамда курилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;

- узи томонидан курилиш учун қулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиклигини;

- ишларни кабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишни;

- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиклигини қафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% микдорда жарима солиш ҳуқуқига эга.

X. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

35. Буюртмачи:

- шартнома қучга қиргандан кейин капитал таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боглик булмаган сабабларга қура Пудратчи томонидан бир ойдан куп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга купайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

36. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тухтатиб қуйилганда;

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

37. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қушма қарорига қура тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

38. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

39. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

40. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қуйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

41. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, Ўзбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида» ги қонунида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 май 2003 йилдаги ПФ-3240 сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 395 сонли қарори билан, бошқа конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди.

42. Мазкур шартномада қузда тутилган ва тегишли иловаларда қурсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлади ва:

- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома бўйича бунинг оқибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш қузда тутилган ишларнинг бажарилмаган қисмининг 5% микдорида жарима тулайди;

- буюртмачининг ҳисоб рақамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини ун банк қунида сабабсиз пудратчининг ҳисоб рақамига утказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% микдорида жарима тулайди;

- шартномага мувофиқ ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар ҳажмини асоссиз равишда қабул қилиб тасдиқлашдан бош тортгани учун ушбу қабул қилиш, тасдиқлашдан бош тортган сумманинг 5% микдорида жарима тулайди;

- шартнома шартларига мувофиқ тайёр ҳолда қабул қилиш учун тақдим қилинган объектни асоссиз равишда қабул қилишдан бош тортса шартнома қийматининг 5% микдорида жарима тулайди;

43. Мазкур шартномада қузда тутилган ва тегишли иловаларда қурсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида қуйидаги ҳолларда мулкӣ жавобгар бўлади ва:

-Ишларни бажариш жадвалида белгилангандан кам хажмда ишларни бажарса, мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмидан хар кечиктирилган кун учун 0.5% микдорда пеня тулайди.

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган микдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан хисобот ойнинг охириг кунига кадар тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар кийматининг 5% микдорида жарима тулайди;

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган микдордан кам бажарса, бажарилмаган кисмининг 5% микдорида жарима тулайди;

- объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр холда фойдаланишга топширмаса шартнома кийматининг 5% микдорида жарима тулайди;

- Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси тамонидан аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ун кундан ортик булмаган) муддатда бартараф килмаса ушбу аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 5% микдорида жарима тулайди.

44. Агарда томонлардан бири уз реквизи́тларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, корхона атамаси ёки макomini нотугри берса ва узгарганлиги тугрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи тамонга ёзма хабар бермаса айбдор тамон иккинчи тамонга шартнома бахосининг 0,1% микдорида жарима тулайди.

45. Бир тамоннинг айби билан шартномани бекор килишга тугри келса, айбдор тамон иккинчи тамонга барча зарарларни коплайди, амалдаги конунларда белгиланган тартибда.

46. Тамонларнинг мулкый жавобгарликка тортилиб тулайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома кийматининг 30% ошмаслиги керак.

47. Тамонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкый талабларини далолатнома асосида тулов талабномаси буйича акцептсиз амалга оширишга хаклидир.

ХП. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

48. Шартномани бажаришда ва бекор килишда ёки узгартиришда шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо буладиган барча низоли масалаларни томонлар мухокама билан келишувга эришмасалар, у холда улар конун хужжатларида белгиланган тартибда судга муражат килишлари мумкин.

ХП. АЛОХИДА ШАРТЛАР

49. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йукотади.

50. Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алохида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи тамонга сотиш ёки бериш хукукига эга булмаиди.

51. Мазкур шартномага киритилган барча узгартириш ва кушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган булса, хакикий хисобланади.

52. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо булишига олиб келадиган хар кандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага кушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.


53. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хак тулашни кечиктиришга хаклидир.

54. Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги келишилган суммаси меъерий-конун хужжатларига К.К.С. тугрисида узгартиришлар киритилса қайта куриб чикилади.
55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари кулланилади.
56. Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва барча кузда тутилган шартнома шартлари тулалигича бажарилгунга қадар амал қилади.
57. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган 2 нусхада тузилди.


XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

« БУЮРТМАЧИ »

« ПУДРАТЧИ »



О.Ражабов



С. Хайитов

Хукукшунос

Handwritten signature: Н. Хасанов